

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**КУРБОНОВА ЗУМРАД ЧУТБАЕВНА**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИ ПАТОЛОГИЯСИ, КЛИНИК–  
ЛАБОРАТОР ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.29–Гематология ва трансфузиология  
14.00.25 – Клиник–лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation**

**Курбонова Зумрад Чутбаевна**

Коронавирус инфекцияси билан касалланган  
беморларда гемостаз тизими патологияси,  
клиник–лаборатор диагностикаси ва даволаш

йўллари такомиллаштириш ..... 3

**Курбонова Зумрад Чутбаевна**

Патология системы гемостаза  
у больных коронавирусной инфекцией,  
клинико–лабораторная диагностика и

совершенствование путей коррекции..... 29

**Kurbonova Zumrad Chutbaevna**

Pathology of the hemostasis system  
in patients with coronavirus infection,  
clinical laboratory diagnostics and

improvement of correction methods ..... 56

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 60

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**КУРБОНОВА ЗУМРАД ЧУТБАЕВНА**

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ГЕМОСТАЗ ТИЗИМИ ПАТОЛОГИЯСИ, КЛИНИК–  
ЛАБОРАТОР ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.29–Гематология ва трансфузиология  
14.00.25 – Клиник–лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Tib721 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий рахбар:**

**Бабаджанова Шаира Агзамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махмудова Азиза Джумановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Арипов Орифжон Абдумаликович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Таджиев Ботир Мирхашимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2–уй. Тел/факс: (+99871)150–78–25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2–уй. Тел/факс: (+99871)150–78–25).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А.Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Н.Арипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда охириги йилларда коронавирус инфекцияси туфайли кузатилган ўлим ҳолатлари биринчи ўринга чиқди. ЖССТнинг маълумотларига кўра, «...коронавирус инфекцияси дунёнинг 228 та давлатида тарқалган бўлиб, 25.05.2023 ҳолатига кўра пандемия бошидан буён дунё бўйича тахминан 766 895 075 одам зарарланган, ўлим ҳолатлари эса 6 935 889 тани ташкил этган ва ҳафталик ўсиш ҳолати 265 656 тадан иборат...»<sup>1</sup>. Қатор олимларнинг ишларида келтирилишича, коронавируснинг вирулентлиги SARS-CoV-2 нинг ташқи мембранасидаги S оксил рецептор-боғловчи доменининг одам хужайраларидаги ангиотензин-айлантирувчи фермент 2 (ACE2) билан таъсири натижасида юзага келади. ACE2 коронавирус вирулентлигини таъминловчи асосий омил бўлиб, унинг ёрдамида вирус хужайраларнинг ичига киради. SARS-CoV-2 қон томир эндотелиясидаги ACE2 билан боғланиб, эндотелиал дисфункция, қон томир ўтказувчанлиги ошиши, микроциркуляция бузилиши, томирларда тромбофилия ва тромб ҳосил бўлиши каби асоратларга олиб келади. Эндотелиал дисфункция бевосита вируснинг жароҳатловчи таъсири, эндотелиянинг ялиғланишга жавоб реакцияси, иммун реакциялар фаоллашуви, цитокинлар, комплемент ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ<sup>2</sup>. COVID-19 да эндотелиал дисфункция тромботик асоратлар ривожланиш патофизиологиясининг асосий омилларидан бири бўлиб, унинг натижасида миокард инфаркти ёки инсульт ривожланади ва ҳозиргача долзарб клиник муаммо бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда коронавирус инфекциясида гемостаз тизими бузилишини олдини олишда юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, COVID-19 ривожланиш механизмларини, КИ клиник кўринишларини, КИда ўпка тромботик зотилжамини, тромбоз ва ангиогенезини, “цитокин бўрони”ни, септик шок ва ДВС-синдром белгиларини, кичик томирлар зарарланиш белгиларини, респиратор дистресс синдромни, тромбоз ҳосил бўлишида лейкоцитлар аҳамиятини, КИда плазма фибриногенининг клиник ва прогностик аҳамиятини, КИни даволаш ва беморларни парваришларни, антикоагулянт терапия самарадорлигини, КИда гепаринларни дозалаш, ялиғланиш тромбозини, тромботик ҳафвни аниқлаш усулларини, КИда антиромботик терапия хусусиятларини асослашдан иборат. КИда тромбоемболик асоратларни олдини олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини сифат жиҳатдан ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида, жумладан хавфли вируслар орқали тарқалаётган касалликларини ташхислаш ва даволаш даражасини янги поғонага кўтариш бўйича мақсадли чора-тадбирлари бажарилмоқда. «Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий

<sup>1</sup>«Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 25.05.2023 ҳисоботи» <https://covid19.who.int/>

<sup>2</sup> Cipolloni, L., Sessa, F., Bertozzi, G. et al. (2020). Preliminary post-mortem COVID-19 evidence of endothelial injury and factor VIII hyperexpression. *Diagnostics*, 10(8), 575. doi:10.3390/diagnostics10080575

ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб–қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш аҳоли орасида коронавирус инфекциясини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали тромботик асоратларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария–эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199 «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора–тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 26 мартадаги ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг шарҳи.**

Ушбу соҳадаги тадқиқотлар қуйидаги хориж олимлари томонидан ўрганилган: Zhonghua Liu Xing Bing Xue Za Zhi. КИ эпидемиологиясини, Ackermann M., Verleden S.E., Kuehnel M. КИда ўпка васкуляр эндотелиити, тромбози ва ангиогенезини, Lax S.F., Skok K., Zechner P. КИда ўпка артерияси тромбозларини, Cipolloni L., Sessa F., Bertozzi G., O'Sullivan J.M., Mc Gonagle D., Ward S.E. КИда эндотелий зарарланишини, Dolhnikoff M., Nunes Duarte–Neto A., Aparecida de Almeida Monteiro R. ўпка тромботик зотилжамини, Apoorva Jayarangaiah COVID–19–ассоциацияланган коагулопатиясини, England J.T., Abdulla A., Biggs C.M. КИда “цитокин бўрони”ни, Guan W.J., Ni Z.Y., Hu Y., Helms J., Kremer S., Merdji H. КИ клиник кўринишларини, Хыдакис М.С., Dehgani–Mobaraki P., Holbrook E.H.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

COVID–19 да ҳид билиш ва таъм билишнинг бузилишларини, Galván Casas C, Català A. COVID–19 да тери зарарланишини ўрганган.

Шу билан бирга IbaT., S. Aggarwal, S. Gollapudi, L. Yel, A. S. Gupta, S. Gupta, КИда ДВС–синдром белгиларини, Klok F., Kruip M., van der Meer N. КИда тромботик асоратларни, Magro C., Mulvey J.J., Berlin D. КИда кичик томирлар зарарланиш белгиларини, Panigada M, Bottino N, Tagliabue P, Grasselli G, Novembrino C, Chantarangkul V. COVID–19 да тромбоэластография кўрсаткичларини, Ranucci M., Ballotta A., Di Dedda U. КИда респиратор дистресс синдромни, Swystun, L. КИда тромбоз ҳосил бўлишида лейкоцитлар аҳамиятини, Wichmann D., Sperhake J.–P., Lütgehetmann M. COVID–19 да аутопсия натижаларини, Tang N, Bai H, Chen X. КИда антикоагулянт терапия самарадорлигини, Bhimraj A, Morgan RL, Shumaker AH, Lavergne V, Baden L, Cheng VC, Edwards KM Gandhi R, Muller WJ, O'Horo JC, Shoham S, Murad MH, Mustafa RA, Sultan S, Falck–Ytter Y. КИсини даволаш ва беморларни парваришларни ўрганган.

МДХ мамлакатларида Анаев Э.Х., Княжеская Н.П. КИда коагулопатия антикоагулянт терапиясини, Бицадзе В.О., Хизроева Д.Х., Макацария А.Д., Слуханчук Е.В., Третьякова М.В., Риццо Д. КИда септик шок ва ДВС – синдромни, Буланов А.Ю., Ройтман Е.В. КИда гепаринларни дозалаш, Симарова И.Б., Буланова Е.Л., Синявкин Д.О., Феклистов А.Ю., Работинский С.Е., Катрыш С.А.. КИда плазма фибриногенининг клиник ва прогностик аҳамиятини, Заболотских И.Б., Киров М.Ю., Лебединский К.М., Проценко Д.Н., Авдеев С.Н., Андреевко А.А. КИда анестезиологик ва реанимацион ёрдам кўрсатиш тамойилларини асослашган.

Макацария А.Д., Слуханчук Е.В., Бицадзе В.О., Хизроева Д.Х., Третьякова М.В., Шкода А.С., Акинъшина С.В., Макацария Н.А., Цибизова В.И., Гри Ж.–К., Элалами И., Ай Ц., Грандоне Э. КИда “citoкин бўрони”, ялиғланиш тромбозини, Момот А.П., Цывкина Л.П., Тараненко И.А. тромботик ҳафви аниқлаш усулларини, Морозов С.П., Проценко Д.Н., Сметанина С.В. КИда нур диагностикасини, Петров В.И., Герасименко А.С., Кулакова И.С. COVID–19 ривожланиш механизмларини, Хамитов Р.Ф., Молоствова А.Ф., Салимова Л.М. КИни даволашда юзага келадиган тромбоцитопения ва бошқа асоратларни, Явелов И.С. КИда антиромботик терапия хусусиятларини асослаб беришган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда сўнгги йилларда КИни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини башоратлашга бағишланган ишлар кўп бўлишига қарамадан, адабиётларда айрим гемостатик кўрсаткичлар аҳамияти муҳокамаси давом этмоқда, бу эса касалликни эрта аниқлаш ва асоратларини олдини олиш мақсадида янада мукамал текширишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади. Охирги маълумотларга кўра, COVID–19да ялиғланиш citoкинларининг ошиши citoкин бўронига сабабчи бўлади, у эса қон томир эндотелийсини зарарлайди, тўқима тромбопластини экспрессиясини стимуллайтиди, натижада қон ивиш тизими фаоллашади (Петров В.И. ва б., 2021).

Эндотелиал дисфункция тромботик асоратлар ривожланиш патофизиологиясининг асосий омилларидан бири бўлиб, унинг натижасида миокард инфаркти ва инсультлар ривожланади. Эндотелиал дисфункция бевосита вируснинг жароҳатловчи таъсири, эндотелийнинг ялиғланишга жавоб реакцияси, иммун реакциялар фаоллашуви, цитокинлар, комплемент ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ (Campbell С.М. et al., 2020; Risitano А.М., et al., 2020). Коронавирус–индуцирланган коагулопатия дастлаб гиперкоагуляция ривожланишига олиб келади (Cipolloni L. et al, 2020). COVID–19 билан касалланган беморларда диссиминирланган томир ичи ивиш синдроми натижасида ўпка микротомирлари диффуз зарарланади, натижада ўткир респиратор дистресс синдроми (ЎРДС) ривожланади, у эса леталликни кескин оширади (Wang Y.D. et al., 2020).

Ўзбекистонда сўнгги икки йилликда А.Н.Арипов, Х.А. Акилов, О.Ш. Қосимов, Г.А. Ихтияровалар бошчилигида сурункали юрак етишмовчилиги ва COVID–19 да буйраклар функционал захираси ва гемодинамик кўрсаткичлари, COVID–19 пандемиясида аҳолига ихтисослаштирилган стационар тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, коронавирус инфекциясининг серозэпидемиологик таҳлиллари асосида профилактик ва эпидемияга қарши чора–тадбирларни такомиллаштириш, ҳомиладор ва тукқан аёлларга неврологик ва депрессив таъсири баҳоланган.

Коронавирус инфекциясида гемостаз тизимининг бузилишини ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш яратилмаган. Коронавирус инфекциясида тромбофилия генларининг кўплаб патогенетик аспекти ва унда гемостатик ўзгаришлар, коррекция усуллари охиригача ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий–тадқиқот ишлари режасининг №01.1800233 “Қон тизими касалликларининг клиник биокимёвий ва молекуляр–биологик аспекти. Донорлик муаммолари” (2018–2023 й) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда коагуляцион, томир–тромбоцитар гемостаз ўзгаришлари ва гиперкоагуляциянинг генетик маркерлари, коррекция йўллари такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларнинг клиник кўриниши ва тромбоземболик асоратларини аниқлаш;

COVID–19 билан касалланган беморларда гемостаз томир–тромбоцитар босқичини, тромбоцитлар миқдори ва функционал хусусиятларини баҳолаш;

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда коагуляцион гемостаз бузилиши даражасини аниқлаш;

коронавирус инфекциясида гемостаз ўзгаришларининг оптимал коррекция йўллари такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;



коронавирус инфекциясида MTHFR:677, MTHFR: 1298, MTR: 2756, MTRR:66 тромбофилия генлари полиморф вариантларининг аллел ва генотипларини тақсимланиш хусусиятларини баҳолаш;

коронавирус инфекциясида MTHFR:677, MTHFR: 1298, MTR: 2756, MTRR:66 тромбофилия генлари полиморф маркерлари билан гомоцистеин миқдори, унинг гемостазга таъсирини баҳолаш;

коронавирус инфекциясида тромбофилия генлари нохуш генотипи аниқланган беморларда гемостаз патологиясини даволаш йўлларини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2021йилда Республика махсус 2 - сон Зангиота юкумли касалликлар шифохонасида коронавирус инфекцияси билан даволанган 400 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар веноз қон материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида клиник, гематологик, гемостазиологик, биохимик, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

енгил даражали коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда тромбоцитлар фаолияти ишончли ўзгармаганлиги, ўрта оғир ва оғир даражали коронавирус инфекциясида эса тромбоцитлар адгезия фаолиятининг 60-98%, агрегация хусусиятининг эса 39-54% ошиши исботланган;

ўрта оғир ва оғир даражали коронавирус инфекциясида коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари бўлган фаол қисман тромбопластин вақти 26 - 40%, протромбин вақти 21-30%, тромбин вақти 22,3 - 45,2% қисқарганлиги, фибриноген 37,4 - 58,6% ошганлиги, Д-димер 1,6-2,2 баробар ошганлиги асосланган;

ўрта оғир ва оғир даражали коронавирус инфекциясида MTHFR гени 677 C>T (rs1801133) полиморфизми, MTHFR 1p36.22 гени 1298 A>C (rs1801131) полиморфизми ва MTR 5p15.31 гени 66 A> G (rs1801394) полиморфизми нохуш генотиплари учраши ишончли даражада юқори бўлиши ва бу генотипларнинг тромбофилия ҳолатини индуцирловчи таъсири мавжудлиги исботланган;

коронавирус инфекциясида тромбофилия генлари гетерозигот генотипи аниқланганда гомоцистеин миқдори 3,0-4,4 баробар, гомозигот мутация аниқланганда 5,6 баробар юқори бўлган, натижада тромбоцитлар адгезияси 2,3-2,6 баробар, агрегацияси эса 1,9-2,5 баробар ошганлиги исботланган;

томир-тромбоцитар ва коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари ўзгариш даражаси касаллик оғирлик даражасига ва тромбозларга генетик мойилликка боғлиқ бўлиб, ўрта оғир ва оғир даражали коронавирус инфекциясида нохуш гетерозигот генотип аниқланганда антиагрегант ва антикоагулянт терапия комбинацияси билан даволаш самарадорлиги 2-3-ойда, оғир даражали коронавирус инфекциясида гомозигот мутация аниқланганда терапия самарадорлиги 3-4-ойда кузатилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

коронавирус инфекциясида томир–тромбоцитар ва коагуляцион гемостаз тизимида кучли ўзгаришлар борлиги очиб берилган;

COVID–19 да тромботик асоратларнинг олдини олиш учун гемостаз бузилишларини эрта лаборатор ташхислаш ва даволаш механизми баҳоланган;

коронавирус инфекциясида гомоцистеиннинг гемостаз тизимида таъсир механизми баҳоланган;

Коронавирус инфекциясида MTHFR:677, MTHFR: 1298, MTR: 2756, MTRR:66 генлари полиморф вариантларининг аллел ва генотипларини тақсимланиш хусусиятларини очиб берилган ва уларнинг гемостаз тизимида таъсирини самарали лаборатор ташхислаш такомиллаштирилган;

Коронавирус инфекциясида MTHFR:677, MTHFR: 1298, MTR: 2756, MTRR:66 тромбофилия генлари нохуш генотиби аниқланган беморларда гемостаз патологиясини самарали даволаш йўллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, гематологик, гемостазиологик, биохимик, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, шунингдек, коронавирус инфекциясида гемостаз тизими бузилишни клиник лаборатор ташхислаш ва даволаш янгича ёндашув тизими натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда тромбоэмболик асоратлар ривожланиш механизми аниқланганлиги, гемостаз коагуляцион ва томир–тромбоцитар босқичи патологиялари очиб берилганлиги, тромбоцитлар фаолиятини яхшиловчи препаратларни стандарт давога қўшиш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда тромбоэмболик асоратларнинг олди олинганлиги ва камайтирилганлиги, леталликни, даволаниш харажатларини камайтирилганлиги, бемор ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи, тадқиқот натижалари асосида шаклланган амалий тавсияномалар татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Коронавирус инфекциясида гемостаз тизими бузилиш хусусиятлари, тромбофилия генлари аллел ва генотипларини клиник–лаборатор диагностикаси ҳамда даволаш йўллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги махсус 1-сон Зангиота юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 07.07.2022 йилдаги 339-сонли буйруқ,

07.07.2022 йилдаги 340-сонли буйруқ ҳамда Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси бўйича 01.06.2022 йилдаги 25-Т-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда оғир тромботик асоратларнинг хавфи юқорилигини кўрсатувчи гемостаз тизими кўрсаткичлари ва тромбофилияга мойилликни белгиловчи генларни текшириш, тромбозларни эрта ташхислаш ва профилактика қилиш иқтисодий самарадорлигини амалиётга татбиқ қилинишида бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларидан 432 000 сўмга, 250 нафар бемор учун эса 108 000 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда гиперкоагуляцион синдром ва тромбофилияга генетик мойилликни ташхислашда таклиф қилинган диагностика усулларидан фойдаланиш даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга имкон берди. Натижада беморнинг стационар даволаниши 2 кунга қисқариб, бунинг натижасида бюджет маблағларининг 20% кам сарфланишига имкон берган;

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда гемостаз кўрсаткичларини ўрганиш тўғри даволаш тактикасини танлашга ёрдам берди, касалланиш давомийлигининг камайиши, самарадорлиги исботланмаган асосиз тиббий аралашувларни камайтириш имконини берди, натижада турли аъзоларда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтирган, шифо жараёнини тезлаштирган ва ётоқ кунини қисқартирган.

коронавирус инфекциясида гемостаз тизими бузилиш хусусиятлари, тромбофилия генларининг нохуш генотипини ташхислаш ва гемостаздаги ўзгаришларни даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижаларни амалиётга татбиқ этилиши коронавирус инфекциясида учрайдиган гемостаз патологиясини лаборатор ташхислаш сифатини яхшилаш, тромбоэмболик асоратлар ривожланиши ва летал ҳолатларнинг олдини олиш, касалликни даволаш муддатини қисқартириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Курбонова Зумрад Чутбаевнанинг “Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда гемостаз тизими патологияси, клиник-лаборатор диагностикаси ва даволаш йўллари такомиллаштириш” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 27 сентябрдаги 03/3553-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 43 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола, шундан 16 та республика ва 7 та хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши компьютер матнида 181 бетда баён қилинган. У кириш қисми, адабиётлар шарҳи, материаллар ва усуллар, шахсий тадқиқот натижалари баён қилинган олти бобдан, хотима, хулоса, амалий тавсия ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 200 та адабиётдан, жумладан 39 та ўзбек ва рус тилида, 161 та бошқа тиллардаги манбааларни ўз ичига олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий текшириш натижалари, олинган натижалар илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг «**Коронавирус инфекциясида гемостаз тизимининг бузилиши тўғрисидаги замонавий талқин (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида коронавирус инфекциясининг (КИ) тарқалиши, этиологияси, патогенези ва клиник белгилари, гиперкоагуляцион синдромда тромбофилия генлари нохуш генотипининг аҳамияти, КИда гемостаз томир – тромбоцитар ва коагуляцион босқичининг бузилиши, тромбоэмболик асоратлар клиник-лаборатор диагностикаси, КИда гемостаз ўзгаришларининг замонавий даволаш усуллари чуқур ўрганиб чиқилган.

Диссертация «**Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморлар клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва методлари келтирилган. Клиник текширишлар Республика махсус 2–сон Зангиота юқумли касалликлар шифохонасида 2021 йил давомида бажарилган. Тадқиқотга КИ билан 400 та бемор олинган (1–расм).



## Назорат гуруҳи- 20 соғлом одамлар

### 1-расм. Тадқиқот материаллари

Барча текширилган беморлар 3 гуруҳга ажратилди: 1–гуруҳни 100 та энгил даражали КИ, 2–гуруҳни 150 та ўрта оғир даражали ва 3–гуруҳни 150 та оғир ва ўта оғир даражали КИ билан касалланган беморлар ташкил қилди. Назорат гуруҳи КИ маркерлари аниқланмаган 20 та соғлом одамлардан иборат бўлди.


Ташхис қўйишда “Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсиялар” 8–таҳририда келтирилган диагностик мезонлардан фойдаланилди (ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 82–сон буйруғи). Барча КИ билан касалланган беморларда SARS-Cov-2 вируси маркерлари иммунофермент анализ (ИФА) ва полимераз занжирли реакция (ПЗР) усулларида аниқланди. ИФА ва ПЗР таҳлилларида SARS-Cov-2 вируси маркерлари аниқланмаган беморлар тадқиқотга киритилмади. Шу билан бирга, қандли диабет, зўриқиш стенокардияси 2,3-даража, хафақон касаллиги, жигар, буйрак касалликлари, ревматологик, онкологик, гематологик касалликлари мавжуд бўлган беморлар тадқиқотга олинмади.

КИ оғирлик даражасини белгилашда клиник белгилари (харорат ошиши, нафас олиш сони, юрак қисқариш сони), қоннинг кислород билан сатурацияси, лаборатор кўрсаткичлар, кўкрак қафаси компьютер томографиясидаги ўзгаришлар каби белгилар ҳисобга олинди. Шу билан бирга беморнинг шикоятлари (йўтал, харорат ошиши, кўп терлаш, нафас сиқиши, умумий холсизлик, бош оғриши ва б.), касаллик анамнези (КИ билан касалланган бемор билан контактда бўлиши, касалланиш давомийлиги, хамроҳ касалликлари ва б.) ҳам ўрганилди.

Гематологик тадқиқотлар Sysmex XN-5506-diff (Япония) автомат гематологик анализаторида Sysmex (Япония) реагентларини қўллаган ҳолда, гемостазиологик тадқиқотлар Sysmex CA 660 (Япония) автоматик коагулометрида Sysmex (Япония) реагентларини қўллаган ҳолда, тромбоцитлар фаолияти БИОЛА АЛАТ-2 220LA агрегометри (Россия) ёрдамида ООО НПФ “Биола” (Россия) реагентларини қўллаган ҳолда бажарилди. Тромбофилия генларининг аллел ва генотипларини молекуляр-генетик текшириш беморлар веноз қонида DT-Lite 48 ООО “НПО ДНК-технология” (Россия) амплификаторида, “НПО ДНК-технология” (Россия) реагентларини қўллаган ҳолда, реал вақтда полимераз занжирли реакция ёрдамида амалга оширилди.


Олинган натижалар вариацион статистика усуллари билан ишланди. Ҳисоб ва статистик таҳлил Window’s учун мўлжалланган статистик пакет қўлланган ҳолда амалга оширилди. Барча маълумотлар ўртача ± стандарт сифатида (SD) сифатида кўрсатилди.

Диссертациянинг «Коронавирус инфекциясининг клиник хусусиятлари» номлаган учинчи бобида беморлар шикоятлари, ҳаёт ва касаллик анамнези, объектив белгиларга асосланган ҳолда ўрганилди. Гиперкоагуляцион синдромни аниқлаш учун қуйидаги объектив белгилар ва анамнестик маълумотлар ҳам ўрганилди: анамнезида тромбозлар кузатилганлиги, наслида тромбозлар кўп кузатилиши (миокард инфаркти, инсульт ва б.лар), веноз пункцияда нинанинг тез тромбланиши ва венпункция жойида тромбофлебит ривожланиши. 1–гурух 2 (2%) та беморларида наслида тромбозларга мойиллик аниқланган, 3 (3%) ҳолатда анамнезида тромбозлар, 5 (5%) та венепункцияда нинанинг тез тромбланиши ва 1 (1%) та беморда пункция жойида тромбофлебит ривожланиши кузатилган. 2–гурухда 8% беморларда наслида тромбозларга мойиллик аниқланган, 5% беморларда анамнезида тромбозлар кузатилган, 20% ҳолатда венепункцияда нинанинг тез тромбланиши бўлган ва 4% ҳолларда пункция жойида тромбофлебит ривожланиши кузатилган. 3–гурух беморларда 15% беморларда наслида тромбозларга мойиллик аниқланган, 12% беморларда анамнезида тромбозлар кузатилган, 33% ҳолатда венепункцияда нинанинг тез тромбланиши бўлган ва 7% ҳолларда пункция жойида тромбофлебит ривожланиши кузатилган (2–расм).



2–Расм. КИда гиперкоагуляцион синдром клиник-анамнестик белгилари.

Диссертациянинг «Коронавирус инфекциясида гемостаз бузилишининг лаборатор диагностикаси» деб номланган тўртинчи бобида КИда томир–тромбоцитар ва коагуляцион гемостаз хусусиятлари келтирилган. Тромбоцитлар адгезияси енгил даражали коронавирус инфекциясида ўзгармаган бўлсада, ўрта оғир даражали КИда назорат гуруҳига нисбатан 60% га ошган бўлса, оғир ва ўта оғир даражали COVID-19 да эса деярли 2 баробар ошганлиги аниқланди (3–расм).



**3–расм. Коронавирус инфекциясида тромбоцитлар адгезияси.**

Изоҳ: \* – назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишончли (\*– $P<0,05$ ; \*\*– $P<0,01$ ; \*\*\* – $P<0,001$ )

Тромбоцитларнинг агрегация фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатдики, энгил даражали КИда тромбоцитлар агрегацияси ишончли ўзгармади, ўрта оғир КИда тромбоцитлар агрегацияси назорат гуруҳига нисбатан 47–61% га, оғир ва ўта оғир даражали КИда эса тромбоцитлар агрегацияси 54 – 92% га ошиши кузатилди. Бироқ ўрта оғир, оғир ва ўта оғир даражали КИ билан касалланган беморларда спонтан агрегация кўрсаткичи 3 – 5 марта ошиши кузатилди (1–жадвал).

**1–жадвал**

**КИ беморларида тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари**

Гуруҳлар	Спонтан агрегация даражаси, %	5 мкг/мл АДФ – индуцирланган агрегация, %	2,5 мкг/мл АДФ – индуцирланган агрегация, %	Максимал агрегация тезлиги, ШБ
Назорат гуруҳи (n=20)	1,2 ± 0,1	44±3,9	26 ± 2,1	32 ± 2,8
1–гуруҳ (n=100)	1,4 ± 0,1	48 ± 4,0	29 ± 2,6	35± 2,9
2–гуруҳ (n=150)	3,1 ± 0,3***	72 ± 5,2***	48 ± 3,1***	50± 4,5**
3–гуруҳ (n=150)	5,3 ± 0,6***	82 ± 7,3***	56 ± 4,5***	62± 4,5***

Изоҳ: \* – назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишончли (\*– $P<0,05$ ; \*\*– $P<0,01$ ; \*\*\* – $P<0,001$ )

COVID–19 асосий гуруҳларида фаол қисман тромбопластин вақтини (ФҚТВ) текшириш қуйидаги ўзгаришларни аниқлашга ёрдам берди: энгил даража КИ билан касалланган беморларда ФҚТВ ишончли ўзгармади, бироқ ўрта оғир, оғир ва ўта оғир даражали КИда ФҚТВ 26 – 40% га қисқариши кузатилди, бу эса гиперкоагуляцион силжишдан далолат беради. Аналогик ўзгаришлар протромбин вақти (ПВ), халқаро нормаллашган муносабат (ХНМ), тромбин вақтини (ТВ) текширганда аниқланди (2–жадвал).

## КИда коагуляцион гемостаз ва Д-димер кўрсаткичлари

Гуруҳлар	АҚТВ, сек	ПВ, сек	ПТИ,%	МНО	ТВ, сек	Фибри- ноген, мг/дл	Д-димер, нг/мл
Назорат гуруҳи, (n=20)	30,1±2,8	12,8±1,1	101 ± 8,2	0,98 ± 0,07	18,8±1,0	283 ± 22	154±12
1-гуруҳ (n=100)	27,5±2,3	11,4±0,7	114 ± 8,5	0,88± 0,08	16,6±1,3	355 ± 32	180±22
2-гуруҳ, (n=150)	22,4±1,9*	10,1±0,6*	129 ± 6,5**	0,78 ± 0,05*	15,3±1,3*	446±43**	260±28***
3-гуруҳ, (n=150)	18,2±1,5***	9,0±0,6**	144±9,1***	0,69±0,05**	14,2±1,2**	510±47***	350±33***

Изоҳ: \* – назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқ ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\* –P<0,001)

Жадвалдан кўриниб турибдики, енгил даражали КИда фибриноген миқдори ишончли ўзгармаган, бироқ ўрта оғир даражали КИда назорат гуруҳидаги кўрсаткичга нисбатан 51,5% га, оғир ва ўта оғир даражали КИда эса 75% га ошди. Аналогик ўзгаришлар протромбин индекси (ПТИ), Д-димерни текширганда аниқланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўрта оғир ва оғир даражали КИ коагуляцион гемостаз барча бўғинларида назорат гуруҳига нисбатан кучли гиперкоагуляция борлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Коронавирус инфекциясида гемостаз оғир бузилиши кузатишган беморларда тромбофилия генларининг аллел полиморфизмлари хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида КИда тромбофилия генларининг аллел полиморфизмлари хусусиятлари, КИда тромбофилия генларининг нохуш генотиплари ва гемостаз ҳолати келтирилган.

Клиник тадқиқотда 80 та КИ билан касалланган, ҳамроҳ касалликлари бўлмаган, 40 ёшгачабўлган, бироқ КИ туфайли ахволи оғирлашган беморлар қонида тромбофилия генлари текширилди. Беморлар веноз қонида МТНFR A1298C (rs 1801131), МТНFR C677T (rs 1801133), МТRR A66G (rs1801394) ва МТR A2756G (rs 1805087) генларининг полиморфизми аниқланди.

COVID-19 патогенезини енгил даражаси ривожланишида тромбофилия хафвини туғдирувчи генлар полиморфизмлари, хусусан МТНFR A1298C (rs 1801131), МТНFR C677T (rs 1801133), МТRR A66G (rs1801394) ва МТR A2756G (rs 1805087)ларнинг аллелари ва генотиплари химоявий-протектив ёки индуцирловчи аҳамияти мавжудлиги тасдиқланмади.

Ўрта оғир даражали КИда МТНFR A1298C (rs 1801131) гени полиморфизмидаги гетерозигот А/С генотипи, МТНFR C677T (rs 1801133) полиморфизмида гетерозигот С/Т генотипи, МТRR A66G (rs1801394) гени




полиморфизми гетерозигот A/G генотиби учраши ишончли даражада юқори эканлиги аниқланди ва бу генотипларнинг ўрта оғир даражадаги КИда индуцирловчи таъсири мавжудлиги аниқланди. MTHFR гени A1298C полиморфизми A/A генотиби, MTHFR гени C677T полиморфизми C/C генотиби, MTRR гени A66G полиморфизми A/A генотипларининг ўрта оғир даражали КИ ривожланишида протектив ахамияти мавжудлиги аниқланди. Бошқа томондан, MTR 2756 A>G (rs1805087) гени полиморфизми гетерозигот генотиби учраши орасида эса статистик ахамиятли боғлиқлик аниқланмади, аммо A/A генотиби касаллик ривожланишида химоявий функция бажаражи статистик ишончли деб топилди.

Оғир даражали КИда MTHFR A1298C (rs 1801131) гени полиморфизмидаги гетерозигот A/C генотиби, MTHFR C677T (rs 1801133) полиморфизмида гетерозигот C/T генотиби, MTRR A66G (rs1801394) гени полиморфизми гетерозигот A/G генотиби, MTR 2756 A>G (rs1805087) гени полиморфизми гетерозигот A/G генотиби учраши ишончли даражада юқори эканлиги аниқланди ва бу генотипларнинг оғир даражадаги КИда индуцирловчи таъсири мавжудлиги аниқланди. MTHFR гени A1298C полиморфизми A/A генотиби, MTHFR гени C677T полиморфизмини C/C генотиби, MTRR гени A66G полиморфизми A/A генотиби, MTR гени A2756G полиморфизми A/A генотиплари оғир даражали КИ ривожланишида протектив ахамияти мавжудлиги аниқланди. Шуниндек, MTRR гени A66G rs1801394 полиморфизмининг G/G гомозигот мутант генотиби КИ оғир формаси ривожланишида статистик ишонарли хавф омили эканлиги тасдиқланди.

2-гурухдаги ўрта оғир даражали КИ билан 26 та (32,5%) бемор натижаларини тахлил қилиш шуни кўрсатдики, 23 та беморларида тромбофилия генлари нохуш гетерозигот генотиби аниқланди. Жумладан, 13 та MTHFR A1298C (rs 1801131) гени A/C нохуш гетерозигот генотиби, 12 та MTHFR C677T (rs 1801133) гени нохуш гетерозигот C/T генотиби, 16 та MTR 5p15.31 66 A>G (rs1801394) гени нохуш гетерозигот A / G генотиби, 6 та MTR 2756 A>G (rs1805087) гени гетерозигот нохуш A /G генотиби аниқланди.

1 та ген бўйича 6 та беморда тромбофилия генлари нохуш гетерозигот генотиби аниқланди: 2 та MTHFR A1298C (rs 1801131) гени A/C нохуш гетерозигот генотиби, 1 та MTHFR C677T (rs 1801133) гени нохуш гетерозигот C /T генотиби, 3 та MTR 5p15.31 66 A>G (rs1801394) гени нохуш гетерозигот A / G генотиби кузатилди. 10 та беморда 2 та ген бўйича гетерозигот генотип аниқланди: MTHFR A1298C (rs 1801131) ва MTHFR C677T (rs 1801133) генларида 4 та беморда, MTR 5p15.31 66 A>G (rs1801394) ва MTR 2756 A>G (rs1805087) генларида 6 та беморда. MTHFR A1298C (rs 1801131), MTHFR C677T (rs 1801133) ва MTR 5p15.31 66 A>G (rs1801394) тромбофилия 3 хил генларида ўзгариш 7 та беморда кузатилди. Бу беморларда тромбофилия генлари аномал генотиби аниқланмаганда кўрсаткич меъерий даражадан ошмаган бўлса, хафвли генетик мутация кузатилган беморларда гомоцистеин миқдори ишончли даражада юқори бўлди (4-расм).




**4-расм. 2-гуруҳда тромбофилия генлари ва гомоцистеин миқдори, мкмоль/л.**

НГ-нохуш генотип


Назорат гуруҳи беморларида гомоцистеин миқдори  $4,8 \pm 0,5$  мкмоль/л бўлса, тромбофилия генлари ҳафвли генетик генотиби бўлмаган КИ билан касалланган беморларда  $5,9 \pm 0,6$  мкмоль/л, 1 та тромбофилия генида нохуш генотип аниқланган беморларда  $11,1 \pm 1,9$  мкмоль/л<sup>\*\*\*</sup>, 2 та тромбофилия генида аномал генотип кузатилганда  $16,1 \pm 2,1$  мкмоль/л<sup>\*\*\*</sup>, 3 та тромбофилия генида нохуш генотип кузатилганда  $20,9 \pm 1,7$ <sup>\*\*\*</sup> мкмоль/л ни ташкил этди.

3-гуруҳдан 34 та (42,5%) оғир даражали КИ билан касалланган 26 беморда гомозигот ҳафвли генотип ва 8 та беморда тромбофилия генлари аномал гетерозигот генотиби аниқланди. Мазкур гуруҳ беморларида гомоцистеинни аниқлаш шуни кўрсатдики, гомоцистеин миқдори, генлардаги мутацияси сони ва тури орасида тўғри боғлиқлик мавжуд: гомозигот мутация кузатилган беморларда гомоцистеин миқдори юқори бўлганлиги аниқланди (5-расм).



**5-расм. Оғир даражали КИда тромбофилия генлари ва гомоцистеин миқдори, мкмоль/л.**

Тромбоцитлар адгезиясини ўрганиш шуни кўрсатдики, барча гуруҳларда тромбоцитлар адгезия фаолияти ошган бўлиб, тромбофилия генлари нохуш генотиби аниқланган гуруҳларда эса бу кўрсаткич кескин баланд бўлди. Енгил даражали КИда тромбоцитлар адгезия хусусияти 20%, ўрта оғир даражали КИда тромбофилия генлари нохуш генотиби аниқланмаган беморларда 60% ошган бўлса, гетерозигот нохуш генотип аниқланган беморларда эса 2,3 баробар ошди. Оғир даражали КИда тромбофилия 1 та генида нохуш генотип аниқланганда тромбоцитлар адгезияси 2,4 баробар, 2 та генда нохуш генотип аниқланганда 2,66 баробар, 3 та генда нохуш генотип аниқланганда эса 2,9 баробар ошди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, коронавирус инфекциясида тромбоцитлар адгезия хусусияти ошган бўлиб, тромбофилия генлари нохуш генотип аниқланганда бу кўрсаткич 2,4-2,9 баробар кўтарилади (6-расм).



**6-расм. КИда тромбофилия генлари нохуш гетерозигот генотиби аниқланганда тромбоцитлар адгезия хусусиятлари.**

Энг кучли ўзгариш тромбоцитларнинг спонтан агрегация даражасида аниқланди. (3-жадвал).

**3-жадвал**

**КИ беморларида тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари**


Гуруҳлар	САД, %	5 мкг/мл АДФ -ИАД, %	2,5 мкг/мл АДФ -ИАД, %	МАТ, ШБ
Назорат гуруҳи (n=20)	1,2 ± 0,1	44 ± 3,9	26 ± 2,1	32 ± 2,8
1-гуруҳ (n=100)	1,4 ± 0,1	48 ± 4,0	29 ± 2,6	35 ± 2,9
2-гуруҳ (n=150)	3,1 ± 0,3***	72 ± 5,2***	48 ± 3,1***	50 ± 4,5***
2-гуруҳ 1 ТГ гетерозигот генотип	7,6 ± 0,5***	84 ± 7,4***	62 ± 5,2***	68 ± 4,8***
2-гуруҳ 2 ТГ гетерозигот генотип	10,1 ± 1,6***	87 ± 7,6***	70 ± 5,9***	72 ± 5,9***
2-гуруҳ 3 ТГ гетерозигот генотип	15,6 ± 1,4***	90 ± 8,1***	76 ± 7,2***	78 ± 7,5***
3-гуруҳ (n=100)	5,3 ± 0,6***	82 ± 7,3***	56 ± 4,5***	62 ± 4,5***
3-гуруҳ 3 ТГ гетерозигот генотип	18,2 ± 1,3***	92 ± 8,8***	78 ± 6,7***	81 ± 7,3***
3-гуруҳ ТГ гомозигот мутацияси	22,8 ± 1,8***	98 ± 8,6***	80 ± 7,1***	86 ± 7,8***

Изох: \* - назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\* - P<0,001); ^ - генетик ўзгариш аниқланмаган гуруҳга нисбатан фарқ ишончли (^-P<0,05; ^^ -P<0,01; ^^ - P<0,001)

Жадвалдан кўриниб турибдики, тромбоцитларнинг агрегация фаолиятини тахлил қилиш натижарида аниқланишича, енгил даражали КИда тромбоцитлар агрегацияси ишончли ўзгармади, ўрта оғир КИда тромбофилия генларида ўзгариш аниқланмаган беморларда тромбоцитлар спонтан агрегация даражаси 2,6 баробар, тромбофилия 1 та генида нохуш генотип аниқланганда 6,3 баробар, тромбофилия 2 та генида нохуш генотип аниқланганда 8,4 баробар, тромбофилия 3 та генида нохуш генотип аниқланганда эса 13 баробар ошиши аниқланди. Оғир даражали КИда тромбофилия генларида ўзгариш аниқланмаган беморларда тромбоцитлар спонтан агрегация даражаси 4,4 марта, тромбофилия 3 та генида нохуш генотип аниқланганда 15,2 марта, гомозигот мутация аниқланганда эса 19 баробаргача ошиши кузатилди

ФҚТВни тахлил қилишда маълум бўлдики, 1-гурухда ФҚТВ ишончли ўзгармади, 2 гуруҳда тромбофилия генлари аномал генотиби аниқланмаган беморларда ФҚТВ 25,6% га, нохуш генотип аниқланганда 41,5-60,8% га, 3 гуруҳ тромбофилия генлари нохуш генотип аниқланмаган беморларда 1,65 баробар, 3 та гена нохуш генотип аниқланган беморларда деярли 3 баробар, гомозигот мутация аниқланганда эса 3,4 баробар қисқариши кузатилди. Бу эса гиперкоагуляцион ўзгаришлардан далолат беради.


Фибриноген ўзгаришларини тахлил қилиш шуни кўрсатдики, 1-гурухда фибриноген нормада бўлди, 2 ва 3 гуруҳда тромбофилия генлари нохуш генотиби бўлмаган беморларда 58-80 % ошган бўлса, тромбофилия генлари нохуш генотиби аниқланганда бу кўрсаткич 2,0-3,4 баробар ошганлиги кузатилди. Д-димер тромб парчаланиш махсулоти бўлиб, коронавирус инфекцияси билан касалланган, айниқса тромбофилия генлари нохуш генотиби мавжуд бўлган беморларда кескин ошиб кетганлиги кузатилди. Д димер миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, 1-гурухда Д димер миқдори нормада бўлса, 2 ва 3 гуруҳ тромбофилия генлари нохуш генотиби бўлмаган беморларда 69% дан 2,27 баробаргача ошган бўлса, тромбофилия генлари нохуш генотип аниқланганда бу кўрсаткич 2,7-6,4 баробар ошди (7-расм).



**7-расм. КИда тромбофилия генлари нохуш генотиби ва Д димер, (нг/мл).**

Диссертациянинг “Коронавирус инфекцияси натижасида гемостаз бузилиши коррекция йўллари такомиллаштириш” номли 6–бобида тромбоцитлар гиперфункциясини даволашда Пигаспин (75 мг ацетилсалицил кислота/75 мг клопидогрел), Ацетилсалицил кислота ва Клопидогрел препаратларининг самарадорлигини баҳолаш ва тромбофилия генларининг нохуш генотиби аниқланган беморларда антиагрегант терапиянинг самарадорлигини баҳолаш келтирилган.

Икки компонентли препарат бўлган Пигаспинни даволаш режасига кўшиш Виллебранд омилининг (фВ) нормал кўрсаткичларгача камайишига олиб келди. Даволашдан олдин фВ  $160 \pm 14\%^{***}$  бўлса, даволашнинг 5-кунда бу кўрсаткич  $120 \pm 10\%^{*}$  га тенг бўлди, 10 кунда эса  $92 \pm 8\%^{^^}$  ни ташкил этди (8-расм).



**8-расм. КИда антиагрегант терапиянинг фон Виллебранд омилига таъсири**

Ацетилсалицил кислотаси ва Клопидогрелни қўллаш бу кўрсаткичларни нисбатан яхшиланишига олиб келди (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Ацетилсалицил кислотасини қўлланган КИ беморларида тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари**

Тромбоцит агрегацияси кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи	Даволашдан олдин	Даволаш фониди		
			5-кун	10-кун	1 ой
Спонтан агрегация даражаси, %	$1,2 \pm 0,1$	$3,2 \pm 0,3^{***}$	$2,7 \pm 0,2^{***}$	$2,3 \pm 0,2^{***\wedge}$	$1,0 \pm 0,05^{^^}$
5 мкг/мл АДФ -ИАД, %	$44 \pm 3,9$	$73 \pm 5,5^{***}$	$65 \pm 4,8^{**}$	$56 \pm 4,1^{*\wedge}$	$35 \pm 3,2^{^^}$
2,5 мкг/мл АДФ -ИАД, %	$26 \pm 2,1$	$49 \pm 3,6^{***}$	$40 \pm 3,5^{***}$	$35 \pm 2,8^{*\wedge}$	$22 \pm 1,9^{^^}$
Максимал агрегация тезлиги, ШБ	$32 \pm 2,8$	$50 \pm 4,6^{***}$	$45 \pm 3,4^{**}$	$39 \pm 3,0^{\wedge}$	$28 \pm 2,2^{^^}$

Изох: \* - назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\* - P<0,001); ^ - даволашдан олдинги кўрсаткичга нисбатан фарқ ишончли (^-P<0,05; ^^ - P<0,01; ^^ - P<0,001)

### 6-жадвал

#### Клопидогрелни қўлланган КИ беморларида тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари

Тромбоцит агрегацияси кўрсаткичлари	Назорат гуруҳи	Даволашда н олдин	Даволаш фониди		
			5-кун	10-кун	1 ой
Спонтан агрегация даражаси, %	1,2±0,1	3,1 ±0,3***	2,6 ± 0,3***	2,2±0,2***^	1,0±0,1^^
5 мкг/мл АДФ -ИАД, %	44±3,9	72±6,1***	64±4,8**	56±4,0*^с	33±3,9^^
2,5 мкг/мл АДФ - ИАД, %	26 ± 2,1	48±3,9***	38±3,4**	34±2,5*^^	23±1,6^^
Максимал агрегация тезлиги, ШБ	32 ± 2,8	50 ± 4,9**	42 ± 3,6*	36±2,7^	27±2,3^^

Изох: \* - назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\* - P<0,001); ^ - даволашдан олдинги кўрсаткичга нисбатан фарқ ишончли (^-P<0,05; ^^ - P<0,01; ^^ - P<0,001)

Тромбоцитлар агрегация фаолиятининг ошиши билан намоён бўлган орттирилган тромбоцит гиперфункциясини Пигаспин билан даволаш гемостазиологик ўзгаришларнинг энг самарали коррекциясига олиб келди (7-жадвал).

### 7-жадвал

#### Пигаспинни қўлланган КИ беморларида тромбоцитлар агрегацияси кўрсаткичлари


Гуруҳлар	Назорат гуруҳи	Даволашдан олдин	Даволаш фониди	
			5-кун	10-кун
Спонтан агрегация даражаси, %	1,2 ± 0,1	3,2 ± 0,3***	2,4 ± 0,2***^	1,5 ± 0,2^^
